

**КЕЛАЖАК АВЛОДГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШДА, БУЮК
ПЕДАГОГЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ФИКРЛАРИНИ ҲОЗИРГИ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИДА ҚЎЛЛАШ**

Н.М.Охунова

Фарғона давлат университети таянч докторанти

Аннотация: Уибу мақолада буюк алломаларнинг қимматли фикрларининг ҳозирги таълим тизимида қўллаш ҳақида фикр юритилган. Халқ оғзаки ижоди асарлари гоявий-бадиий, маърифий-тарбиявий тушунчаларни ифодалашига хизмат қиласди.

Калит сўзлар: таълим-тарбия, фольклор, бошлангич таълим, дидактика, педагогика, дидактик ўйин.

Аннотация: В данной статье рассматривается применение ценных идей великих ученых в современной системе образования. Произведения народного творчества служат выражению идеально-художественных, воспитательно-воспитательных концепций.

Ключевые слова: образование, фольклор, начальное образование, дидактика, педагогика, дидактическая игра.

Annotation: This article discusses the application of the valuable ideas of great scholars in the current education system. Works of folk art serve to express ideological-artistic, educational-educational concepts.

Key words: education, folklore, primary education, didactics, pedagogy, didactic game.

Таълимнинг мазмуни унинг вазифаларидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни илмий билимлар, кўнишка ва малакалар тизимиdir. Ўқувчи илмий билим, ўнишка ва малакаларни эгаллаш жараёнида ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиради, дунёқараши, ахлоқи шаклланади, ҳаётга, меҳнатга тайёрланади.

Таълим мазмунига инсоният тўплаган барча ижтимоий тажрибалар киради. Унинг мазмуни, ҳажми, ижтимоий тузумнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан-техника тараққиёти даражаси билан белгиланади. Яъни унинг мазмунига табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури ҳақидаги билимлар, ҳозирги замон фани, техникаси, маданияти, ишлаб-чиқаришдаги янгиликлар киритилади. Таълимнинг мазмуни ўзгарувчан, у доимо янгилини туради⁴.

Ҳар бир ўқитувчи ўқитишнинг ҳамма босқичларини билиши ва уни амалда ўтиши керак, деб айтган Рим педагогларининг ичидаги энг машҳури Марк Фабин Квинтилиан. Назарий насиҳатлар эса машқлар ўқитиш ишида, яъни, амалда қўлланиши ҳақида уқтирган. Квинтилияннинг бу маслаҳатларига ҳозирги кунда ҳам амал қилиб келинмоқда. Болага барча билим асосларини мустаҳкам қилиб беришда

⁴ Ў.М. Аскарова, М.Хайтбоев, М.С.Нишонов. Педагогика.-Тошкент.2008

шошмаслик кераклиги ҳақида ҳам кўп бора таъкидлаган. Квинтилияннинг келажак авлод учун айтилган барча фикрлари унинг нақадар тажрибакор ўқитувчи эканлигини кўрсатади.

Болага илк таълим бериш албатта назарий билимлардан бошланади. Таълим-инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида етказилади деб ҳисоблаган Абу Наср Форобий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Ўқитувчи педагогик таълимот асосида ўқитишда комил инсонни шакллантириш, инсонни ўз моҳияти билан ижтимоий, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комилликка эришади, деган фалсафий қараши туради. Бола таълим олиш жараёни орқали ижобий ва салбий қаҳрамонларни фарқлашни, ростгўй ҳамда ёлғончи инсонларни феъл-атворларини ўрганади. Жамиятда қандай инсон бўлса, ўз эзгу мақсадларига эришиши ҳақида уқтирилади.

Ўқувчига билим беришда: уни зериктирмаслик, ҳар бир фанда, бир хил нарсани ёки бир хил маълумотларни қайта-қайта ўргатавермаслик, узвийлик, изчиллик, таҳлил қилиш ва таққослаш, маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа, содаддан қийинга қараб бориши, тақрорлаш, янги мавзуларни қизиқарли, асосан кўргазмали баён этишга эътибор бериш кераклиги қомусий олим Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний томонидан уқтирилади. Унинг илмий билимларни эгаллаш йўллари ва усуслари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр таълим тизими учун ҳам долзарбдир.

Болани якка ҳолда эмас, жамоа қилиб ўқитиш керак дейди буюк олим Абу Али ибн Сино. Агар ўқувчи бирга ўқиса, у зерикмайди, фанни эгаллашга қизиқиши юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобақалашиш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишини яхшилашга ёрдам беради.

Ўқувчиларни мактабда ўқитиш ва тарбиялашга катта аҳамият бериб, “Тадбир ул манозил” асарининг маҳсус бўлмини ана шу масалага бағишилаган. Жамоа тарзида ўқитилганда, болалар бир бири орқали олган билимлари янада мустаҳкамланади ҳамда ўқитувчи ўз мақсадига, яъни ўқувчиларнинг фаоллигига эришади.

Ян Амос Коменскийнинг ўзининг назарий фикрларини дарсликларда амалга оширган. Унинг тадқиқотларида ёш авлодни тарбиялаш муаммолари ўқитиш билан бир қаторда муҳим ўрин тутган. Шунинг учун Коменский дарслик қандай бўлиши тўғрисида қимматли фикрларни айтиб, ўз замонаси учун намунали дарсликлар яратган муаллифлардан бири ҳисобланади. У дарслик болаларнинг ёшига қараб равshan баён этилиши кераклиги, ҳамда ўқув материалларини етарли бўлиши, қисқа, мазмунли, тушунарли, изчил ва оддий, болаларга тушунарли тилда ёзилиши, расмларга бой бўлиши шарт, деб ҳисоблаган.

Биламизки, ўқиши жараёни дастлаб, савод ўргатиш давридан бошланади. Айнан шу даврда ўқитувчи болани ўқишига бўлган қизиқишини ошириши керак бўлади. Чунки савод ўргатиш даврида, ўқиши ва ёзиш мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараён ўқитувчидан замонавий технологиялардан фойдаланиб дарс ўтишни талаб этади. Иоганн Генрих Песталоцци ўзиниг тадқиқотлари орқали бизга муҳим тавсиялар

берган. Яъни у савод ўргатишда товуш методини биринчи ўринга қўйди, бундай қилиш ҳарфларни қўшиб ўқитиш методи хукмронлик қилиб турган ўша вакт учун ғоят муҳим эди. Песталоцци она тили ўқитишнинг асосий вазифаси боланинг нутқини ўстириш ва унинг сўз бойлиги ортиришдан иборат, деб ҳисоблади. У ўзининг умумий дидактик қоидаларига таяниб, бошланғич таълимнинг хусусий методикасини яратди.

Келажак авлодга таълим-тарбия беришда, буюк педагогларнинг қимматли фикрлари ҳозирги таълим тизимида ҳам қўлланилиб келмоқда. Таълим-тарбия жараёнида боланинг ёш хусусиятига алоҳида эътибор қаратилади. Константин Дмитриевич Ушинский ҳам таълимни болаларнинг психологик жиҳатдан камол топишларининг ёш босқичларини ҳисобга олишни ва улар психологиясининг хусусиятларини эътиборга олиб ташкил этиш кераклигини талаб қилган. Унинг дидактика соҳасидаги қарашлари педагогика тарихида ўзининг чукурлиги ва ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ў.М. Асқарова, М.Хайитбоев, М.С.Нишонов. Педагогика.-Тошкент.2008
2. А.Зуннунов,А.У.Маҳкамов.Дидактика.-Тошкент.2006